

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2022 йил июль ойининг 13 куни жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар суди биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи - судья Ш.Эшимов, судья ёрдамчиси О.Ҳамидовнинг котиблигида, тарафлардан: давлат айбловчиси Қарши шаҳар прокурорининг ёрдамчиси И.Сайитов, жабрланувчининг қонуний вакили Б.Гапуров, судланувчи С.Худойбердиев ва унинг ҳимоячиси адвокат Б.Рузимуродовнинг иштирокида, Худойбердиев Сардор Саидовичга нисбатан 1-1801-2204/378-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Худойбердиев Сардор Саидович - 1990 йил 12 апрелда Қарши туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилалик, 1 нафар фарзанди бор, судланмаган, вақтинча ишсиз, Қарши тумани, Узуннова МФЙда яшайди, эҳтиёт чораси сифатида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2022 йил 22 май куни олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакилининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Худойбердиев Сардор Саидович 2022 йил 30 март куни соат 14:00 да ўзининг бошқарувида бўлган, “MOGO LEND” МЧЖга қарашли оқ рангли Матиз русумли, давлат рақами 70 412 КВА бўлган автомашинада Қарши шаҳар “Ерқўрғон” деҳқон бозори томондан, Қарши темир йўл вокзали томон йўлнинг ўзининг ҳаракат йўналишига нисбатан ўнг томон қисмидан ҳаракатланиб, амалдаги “йўл ҳаракати қоидалари”нинг 109-бандини қўпол равишда бузиб, Қарши шаҳар, И.Каримов кўчаси “Диагностика маркази”нинг олдидаги светофор билан тартибга солинган пиёдалар ўтиш жойига етганда, ўзининг ҳаракат йўналишига нисбатан йўлни чап томонидан ўнг томонига кесиб ўтаётган вояга етмаган 2009 йилда туғилган Ражаббоева Диёра Давлатжон қизини автомашинанинг олд қисми билан уриб юбориб йўл транспорт ҳодисасини содир этган.

Натижада пиёда вояга етмаган Ражаббоева Диёра Давлатжон қизи оғир тан жароҳатлари олиб РШТЁИМ ҚФга тушган.



Қашқадарё вилоят суд тиббиёт экспертиза бюросининг 2022 йил 13 апрель кунидаги 1008/23-Хуж.Нор-сонли хулосасига кўра, Ражаббоева Диёра Давлатжон қизининг танасида оғир кўшма жароҳат, ёпиқ вертибро спинал травма, иккинчи бўйин умуртқасини тишчаси асосидан синиши, кўкрак 6,7,8-умуртқалари танасини копрессия асоратсиз синиши, саккизинчи кўкрак умуртқасини ўнг қабоғини кўндаланг ўсимтаси томон ўтиб ёрилиб синиши, тўққизинчи кўкрак умуртқасини ўнг томон кўндаланг ўсиғини синиб силжиши, кўкрак қафаси ёпиқ жароҳати, ўнгда 5,8,9,10-қовурғаларини ёпиқ синиши, чап томондан биринчи қовурғанинг ёпиқ синиши, иккала ўпканинг лат ейиши, ўнг томонлама гематорокс, чап томонлама пневмогематорокс, талоқнинг ёрилиши” кўринишидаги жароҳатлари борлиги кўрсатиб ўтилган бўлиб, бундай жароҳатлар соғлиқнинг бузилиши давомийлиги мезонига кўра, ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳатлар гуруҳига киритилиши кўрсатилган.

Судланувчи Худойбердиев Сардор судда, айбига иқрорлик билдириб, 2022 йилнинг 30 март куни соат 07:30 да яшаш хонадонидан бошқарувида бўлган “MOGO LEND” МЧЖга қарашли оқ рангли Матиз русумли, давлат рақами 70 412 КВА бўлган автомашинада таксилек қилиш мақсадида чиқиб, ишлаш учун Қарши шаҳрига келганини, у Қарши шаҳрида кун давомида йўловчи ташиб, бир нечта фуқароларни ўзининг манзилига етказиб қўйганини, шундан сўнг соат 13:50 да Қарши шаҳар, И.Каримов кўчаси бўйлаб, “Еркўрғон” бозори томондан, Қарши темир йўл вокзали томон белгиланган тезликдан оширмасдан ҳаракатланиб кетаётганини, у Қарши шаҳар, “Диагностика” марказининг ёнига яқинлашаётган вақтида, у автомашинани ўзининг йўналишига нисбатан йўлнинг ўнг томон ариққа яқин қисмидаги учинчи йўлакдан ҳаракатланиб келаётган вақтида, у автомашинасида Қарши шаҳар “Диагностика маркази”нинг ёнидаги светофор билан тартибга солинган пиёдалар йўлагига яқинлашган вақтида светофор қизил чироқда ёниб турганини, у шошилиб турганлиги сабабли, пиёдалар йўлагига одам йўқ деб ўйлаб соатига тахминан 45-50 километр тезликда пиёдалар йўлагини кесиб ўтишга ҳаракат қилганини, шу пайтда бирданига йўлни икки нафар қиз бола кесиб ўтиб қолганини, улардан бири йўлни кесиб ўтишга улгурганини, у шошилиб қолганлиги сабабли, улардан иккинчи бўлиб йўлни кесиб ўтаётганини автомашинасининг олд чап томон қисми билан уриб юборганини, у автомашинасида уриб юборган нотаниш қиз исми шарифи Д.Ражаббоева тахминан 2-3 метр узоқликка бориб ерга йиқилганини, шундан сўнг у автомашинадан Д.Ражаббоевага ёрдам бериш мақсадида тушиб, уни шифохонага олиб борганини, шифохонада унинг даволаниши учун кетган дори-дармонларни имкон қадар қоплаб берганини, ҳозирги кунга қадар жабрланувчи вояга етмаган Д.Ражаббоеванинг даволаниши учун кетган зарарларни қоплаб бера олмаганини, етказилган зарарларни имкон қадар тез кунда қоплаб беришини баён қилиб, қонуний енгиллик беришни сўради.



Судланувчи С.Худойбердиевнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганлиги, ўзининг айбига иқдорлик ва пушаймонлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари:

-жабрланувчи вояга етмаган Д.Ражаббоевнинг қонуний вакили Б.Гапуровнинг судда, судланувчини иш бўйича танишини, жабрланувчи вояга етмаган Д.Ражаббоева жияни бўлишини, вояга етмаган Д.Ражаббоевнинг ота-онаси Россия Федерациясида бўлганлиги сабабли унинг қонуний вакили ҳисобланишини, уни опаси Гапурова Санобарнинг қизи Ражаббоева Диёра онасининг қарамоғида бир ярим йилдан буён опаси Россия федерациясида ишлаш мақсадида кетганлиги сабабли яшаб келаётганини, 2022 йил 30 март куни жияни Ражаббоева Диёра спорт тўғарагига бориш мақсадида яшаш хонадонидан чиқиб, Қарши шаҳар И.Каримов кўчасининг “Диагностика” тиббий марказининг рўпарасидаги пиёдалар ўтиш учун мўлжалланган йўлакдан йўлни кесиб ўтаётган вақтида уни нотаниш Матиз русумли автомашина ҳайдовчиси С.Худойбердиев уриб юбориб, ҳайдовчи С.Худойбердиев вояга етмаган жияни Д.Ражаббоевани тез тиббий ёрдам шифохонасига олиб борганини, ҳайдовчи С.Худойбердиев жияни Д.Ражаббоевани даволатиш учун шифохонада қисман дори-дармонларни олиб берганини, шундан сўнг жиянининг аҳволидан умуман хабар олмаганини, ҳозирги кунда жияни Д.Ражаббоевнинг йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганидан кейин рухий ҳолати бузилганини, ҳеч ким билан гаплашишни истамаётганини, суд мажлисида ҳам иштирок эта олмаслигини, жияни Д.Ражаббоевнинг умрутқа поғонаси синганлиги сабабли операция қилиш учун 30.000.000 сўм пул кераклигини сабабли ушбу зарарларни судланувчи С.Худойбердиевдан ундириб беришни сўраган кўрсатуви;

-бундан ташқари, судланувчи С.Худойбердиевнинг айби:

-ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳақидаги баённома, чизма ва фотосуратлар;

-судга оид авто-техника экспертизаси ва суд тиббий экспертиза хулосалари;

-судланувчи, жабрланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакили сўроқ баённомаси ва судда берган кўрсатувлари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан ўз исботини топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи С.Худойбердиев “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг талабларини бузиб, йўл-транспорт ҳодисаси содир қилиши натижасида вояга етмаган Ражаббоева Диёрани ҳаёти учун хавfli бўлган оғир тан-жароҳати олишига сабабчи бўлганлиги сабабли, унинг жинойий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг



айрим масалалари тўғрисида”ги 10-сонли қарорининг 25-бандида, судлар йўл-транспорт ҳодисасида айбдор деб топилган шахсга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда инсонпарварлик, одиллик тамойилларидан келиб чиқиб, ҳар бир иш бўйича алоҳида ёндошув тўғрисидаги қонун талабига қатъий риоя қилишлари, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига, ҳодиса содир бўлгандан кейин шахснинг хатти-ҳаракатига (унинг жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатиш учун қилган ҳаракатлари, жабрланувчи ва унинг оиласига моддий ва бошқа тарзда ёрдам берганлиги, жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаганлиги ва ҳ.к.) ва жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларга алоҳида эътибор беришлари шартлиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд қайд қилинган Пленум қарорининг раҳбарий тушунтиришларига амал қилиб, судланувчи С.Худойбердиевга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг шахсини эътиборга олиб, С.Худойбердиевнинг ҳаракатларида жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини (ЖК 56-моддаси), жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, унинг оилавий шароитини, айбига иқроор ва пушаймонлигини, судланмаганлиги, қарамоғида бир нафар вояга етмаган фарзанди борлигини (ЖК 55-моддаси) инobatга олиб, унга нисбатан ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан қонун санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ҳамда ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш қўшимча жазоси тайинлашни, жазони ички ишлар органлари белгилаб берган жойларда ўтатиришни, жазо ижросини назорат қилишни Қарши туман ИИБ зиммасига юклатишни, ЖК 61-моддасининг 2-қисмига асосан тайинланган жазоларнинг ҳар қайсисини алоҳида ижро этиришни, унга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чорасини бекор қилишни лозим топди.

Шунингдек, йўл-транспорт ҳодисаси натижасида жабрланувчи вояга етмаган Д.Ражаббоевага ҳаёт учун хавfli бўлган оғир тан жароҳати етказган бўлиб, ҳозирги кунда ҳам доимий равишда даволаниб келаётганлиги соғлиги яхши эмаслиги, доимий оғриқлардан истироб чекиб яшаб келаётганлиги, ота-онаси Россия Федерациясига ишлаш учун кетганлиги, келгусида операция ва даволаниш учун сарф-харажатлар зарурлигини ҳисобга олиб, судланувчи С.Худойбердиевдан жабрланувчининг қонуний вакили Гапуров Баходирнинг фойдасига 30.000.000 сўм маънавий зарар ундиришни, жабрланувчига етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш масаласида, тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда, фуқаролик суд ишларини



юритиш тартибида даъво келтириш ҳуқуқи борлиги тушунтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Худойбердиев Сардор Саидович Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Худойбердиев Сардор Саидовичга ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ҳамда ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб, 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш қўшимча жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг муддати ҳукм ижрога қаратилиб, иш ҳақидан белгиланган фоиз миқдори ундирилган кундан бошлаб ҳисоблансин. Жазо ички ишлар органлари белгилаб берган жойларда ўтаттирилсин. Жазо ижросини назорат қилиш Қарши туман ички ишлар бўлими зиммасига юклатилсин.

ЖК 61-моддасининг 2-қисмига асосан тайинланган жазоларнинг ҳар қайсиси алоҳида ижро этилсин.

Судланувчи С.Худойбердиевга нисбатан қўлланилган “муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида”ги тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Судланувчи С.Худойбердиевдан жабрланувчининг қонуний вакили Гапуров Баходир фойдасига 30.000.000 сўм маънавий зарар ундирилсин;

Жабрланувчиларга етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш масаласида, тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда, фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида даъво келтириш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози томон, ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, йигирма сутка ичида шу суд орқали Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи судья

Ш.Эшимов

